



2012 йил 5-10 январь кунлари Наманган вилоятининг барча туманларида фермер хўжаликлари раҳбарлари малкасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Ўқув курслари давомида Наманган муҳандислик-технология институтининг «Иқтисодиёт» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этдилар.

Наманган - 2013 й.

Дехқон бой бўлса – юрт обод бўлади.



Сен ерни боқсанг ер сени боқади



Кафедра профессор-ўқитувчилари вилоят ҳокимлигининг топшириғига асосан, 2012 йил 5-7 январ кунлари Мингбулоқ, Чуст ва Поп туманларида бўлиб, 1600 дан ортиқ фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ташкил қилинган ўқув курсларида ўзларининг муаммоли маърузалари билан интерфаол усулларда ўқув машғулотларини олиб бордилар.

Жумладан, кафедра мудирини, доцент Р.Исмоилов Чуст туманида, доцентлар И.Собиров, И.Маҳкамов, катта ўқитувчилар М.Бекмирзаев, Н.Турсунов ва ассистент Ш.Мурадовлар Мингбулоқ туманида, доцент Б.Байхонов, катта ўқитувчи З.Абдулҳакимов ва ассистент М.Бойдадаевлар эса Поп туманида ташкил этилган ўқув курсларида иштирок этиб қайтдилар.

Ўқув курси давомида вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган махсус ўқув дастури асосида дарслар олиб борилди. Ўқув машғулоти давомида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси вакиллари, туман ҳокимлиги, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, Ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди, “Қишлоқхўжаликкимё” АЖ вакиллари, ғўза уруғчилиги бирлашмаси мутахассислари, туман Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимлари, тумандаги «Агробанк», «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» вакиллари, туман молия бўлими, туман «Агросуғурта» бўлими, туман статистика бўлими ва туман давлат солиқ инспекцияси вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Хусусан, ўқув курслари давомида «Иқтисодиёт» кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳар бир ўқув кунларининг биринчи ярмида «Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорликка эришишда бизнес режани шакллантириш», «Оилавий пудрат афзалликлари ва уни ташкил этиш мезонлари», «Ғалла ўрими ташкиллаш вазифалари» мавзуларида муаммоли маърузалар ўқидилар.

Куннинг иккинчи ярмида эса фермер хўжаликлари раҳбарларининг тузилган бизнес режалари муҳокама қилинди. Оилавий пудратни самарали ташкил этиш бўйича ҳудудга хос презентациялар намойиш қилинди.

Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари ўз фермер хўжалиги мисолида «Оилавий пудратни такшил этиш афзалликлари ва унинг ҳуқуқий асослари» мавзусида реферат иши ёздилар. Улар ўз ишларида оилавий пудратни ташкил этишда фермер хўжалиги раҳбарларининг вазифалари ва оилавий пудратчиларнинг мажбуриятлари ҳақида ёритиб бердилар.

Ўқув курси давомида фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Соҳа вакиллари, кафедра профессор-ўқитувчилари, туман Фермерлар кенгаши раислари ва ММТП лар раислари иштирокида фермер хўжаликлари фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш чоралари белгилаб олинди.









Эътиборингиз учун раҳмат!